

**Солиқ тўловчилар ва давлат солиқ органлари ўртасидаги солиқ  
низоларини судгача ҳал қилиш тизимини 2023-2027 йиллар учун  
ривожлантириш**

**Концепцияси**

- 1-боб. Умумий қоидалар
- 2-боб. Концепциянинг мақсад ва вазифалари
- 3-боб. Концепцияни амалга оширишнинг асосий йўналишлари
  - 3.1. Солиқ низолари сонини камайтириш учун шарт-шароитлар яратиш
  - 3.2. Солиқ низоларини камайтириш ва уларни судгача ҳал этиш мақсадида солиқ қонунчилигини такомиллаштириш
  - 3.3. Судгача низоларни ҳал қилиш тизимининг самарали ишлашини институционал қўллаб-қувватланиши
    - 3.3.1. Солиқ низоларини судгача ҳал қилиш Департаментини ташкил этиш ва фаолиятини таъминлаш
    - 3.3.2. Солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасидаги низоларни судгача ҳал этиш бўйича Апелляция кенгашини ташкил этиш ва фаолиятини таъминлаш.
  - 3.4. Солиқ низоларини судгача ҳал қилишни рақамлаштириш
  - 3.5. Солиқ низоларини ҳал этиш йўли сифатида медиациядан фойдаланиш шартлари ва механизмларини услубий ва ҳуқуқий ўрганиш
  - 3.6. Солиқ низоларини ҳал қилишда мустақил профессионал экспертларни жалб қилиш
- 4-боб. Кутилаётган натижалар

## 1-боб. Умумий қоидалар

Солиқ ислохотларининг изчил амалга оширилиши ва солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш солиқ юкининг камайишига, солиқ тизими самарадорлигининг ошишига ва мамлакат бюджетига тушумларнинг кўпайишига олиб келмоқда.

Давлатнинг фискал вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш демократик солиқ тизимининг муҳим элементи сифатида солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун шарт-шароитларни яратиш билан бирга олиб борилиши керак.

Кўпчилик ривожланган мамлакатларда солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасидаги низоларнинг асосий қисмини ҳал қиладиган солиқ низоларини судгача ҳал этиш институтининг самарадорлиги - ана шундай шартлардан биридир.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, солиқ органлари билан низоларни судгача ҳал қилишнинг асосий афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- солиқ тўловчиларга аудиторлар, солиқ маслаҳатчилари ва адвокатлар хизматига мурожаат қилмасдан, оддий, тушунарли вазиятларда ўз ҳуқуқларини мустақил ҳимоя қилиш имконини берувчи тартибнинг соддалиги;

- шикоятнинг кўриб чиқилишининг тезлиги. Агар суд жараёнлари кўпинча ойлар давомида чўзилиб борса, юқори солиқ органида шикоятни кўриб чиқиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда яқунланади;

- кўриб чиқиш тартибининг тежамкорлиги. Маъмурий шикоятни беришда, одатда, давлат божи ва суд жараёнига хос бўлган бошқа харажатларни тўлаш билан бирга келмайди.

Ўзбекистонда солиқ низоларини судгача ҳал қилиш бўйича дастлабки кадамлар қўйилди:

- Солиқ кодексида солиқ тўловчиларга солиқ органларининг хатти-ҳаракатлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи солиқ органига шикоят қилиш имконини берувчи меъёрлар мавжуд;

- Давлат солиқ қўмитаси марказий аппарати тузилмасида Солиқ низоларини судгача ҳал этиш департаменти ташкил этилган;

- Солиқ низоларини ҳал этиш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси ва Савдо-саноат палатасининг қўшма апелляция кенгаши тузилган.

2018-2022 йилларда солиқ тўловчилар томонидан текширишлар натижасида чиқарилган солиқ органларининг 1821 та қарори устидан судгача шикоят қилинган. Қарорларнинг 535 таси ёки 29,4 фоизи бўйича солиқ тўловчиларнинг важлари тўлиқ ёки қисман қабул қилинган. Шу билан бирга, солиқ тўловчилар томонидан эътироз билдирилган 2969,0 млрд.сўмлик миқдордан, қаноатлантирилган даъволар суммаси 874,4 млрд.сўмни ёки 29,4 фоизни ташкил этди.

Бироқ, солиқ низоларини судгача ҳал этиш институтининг имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Суддан ташқари низоларни ҳал қилиш доирасида кўрилган барча солиқ низоларининг 30 фоизидан кўп бўлмаган қисми ҳал қилинган, бу хориждагидан 3 барабар кам. Шу билан бирга, солиқ низоларининг сони камаймаяпти, бу эса солиқ маъмурчилигини янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Судгача ҳал қилиш доирасидан ташқари,

солиқ тўловчиларнинг ўз қонуний манфаатларини судда ҳимоя қилишга мажбур қиладиган камчилик ва муаммолар мавжуд.

Ушбу камчиликлар ва муаммоларга қуйидагилар киради:

биринчидан, ўтказилган назорат тадбирлари натижалари юзасидан солиқ тўловчиларнинг зиммасига юклатилаётган солиқ мажбуриятлари суммаларининг қонунга хилоф равишда ошириб кўрсатилиши;

иккинчидан, қандайдир субъектив сабабларга кўра олдинроқ била туриб ноқонуний қарор қабул қилиниши;

учинчидан, солиқ низоларини судгача кўриб чиқишнинг холисона кўриб чиқилишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган идоралараро манфаатларнинг мавжудлиги;

тўртинчидан, эскирган фикрлаш доирасини тарк этмаган ҳолда, солиқ низоларини ҳал этишнинг замонавий усулларини қабул қилишни истамаслик, ўтказилган солиқ текшируви натижалари бўйича қабул қилинган қарорнинг аниқ ноқонуний эканлигига қарамай, қуйи солиқ органларининг юқори турувчи солиқ органилари таркибий бўлинмалари томонидан қўллаб-қувватланиши ва ҳимояланиши;

бешинчидан, судгача низоларни ҳал қилишда ёки суд муҳокамаси жараёнида қонунга хилофлиги аниқланган қарорларнинг қабул қилганлиги учун солиқ хизмати органларининг мансабдор шахсларига нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни қўлламаслик ҳолатлари;

олтинчидан, солиқ низоларини судгача кўриб чиқиш тартибини тартибга солувчи қонунчилик базасининг етарли эмаслиги;

еттинчидан, Давлат солиқ кўмитаси марказий аппаратининг солиқ низоларини судгача ҳал этиш билан шуғулланадиган бўлинма ходимларининг сони камлигидир.

Кўрсатиб ўтилган ушбу камчилик ва муаммолар кўриб чиқиладиган солиқ низолари сонининг камайишига, ўз ўрнида солиқ тўловчиларнинг солиқ органларига нисбатан бўлган ишончининг ошишига ва солиқ мажбуриятларини ихтиёрий равишда бажарилишига тўсқинлик қилмоқда.

Шу муносабат билан давлат солиқ органлари тизимида маъмурий одил судловни ривожлантиришнинг мақсад, вазифалари ва асосий йўналишларини белгилашда

2023-2027 йиллар учун мўлжалланган солиқ тўловчилар ва давлат солиқ органлари ўртасидаги солиқ низоларини судгача ҳал этиш тизимини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

## **2-боб. Концепциянинг мақсад ва вазифалари**

1. Концепциянинг мақсади – судгача бўлган низоларни ҳал қилиш тизимини ривожлантириш орқали солиқ тўловчиларнинг солиқ органларига нисбатан бўлган ишончини ошириш ҳамда солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишининг юқори стандартларини таъминлашдан иборат.

2. Концепциянинг асосий мақсадлари куйидагилардан иборат:

- солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасидаги низолар сонини камайтириш;

- судгача бўлган иш юритиш доирасидаги ҳал қилинадиган низоларнинг салмоғини ошириш;

- ҳудудий солиқ органларининг қабул қилинган қарорлар устидан киритилган шикоятларини юқори турувчи солиқ органининг ваколатли бўлинмаси томонидан ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқиши учун шароитлар яратиш;

- солиқ органларининг мансабдор шахслари томонидан қабул қилинган, шу жумладан солиқ текширувлари натижалари бўйича қарорларнинг қонунийлиги ва асослилигини ошириш;

- солиқ органи мансабдор шахсларининг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари (ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги) ёки солиқ органининг солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқларини бузувчи қарорларининг (ҳаракатлари) таҳлили натижалари бўйича;

солиқ қонунчилигининг ягона қўлланилишини жорий этиш орқали солиқ низоларининг юзага келиши мумкин бўлган истиқболли сабабларини камайтириш ва олдини олиш;

- солиқ низоларини ҳал этишнинг қонунчилик тартибларини такомиллаштириш;

- судгача бўлган муурожаатларни ҳал қилиш институтини солиқ органларининг ўзини ўзи назорат қилишнинг самарали механизмига айлантириш;

- солиқ низоларини ҳал этиш усули сифатида медиациядан (келишув тартиб-таомилларидан) яқин келажакда фойдаланиш.

Белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида солиқ органларининг назорат ишларининг самарадорлигини оширишга ва фискал функцияларни муваффақиятли бажаришда сезиларли ёрдам беради, солиқ низоларини суддан ташқари ҳал этиш шакллариининг жозибадорлигини оширади, солиқ тўловчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун сарфланадиган харажатларнинг камайтириш имконини яратади ҳамда солиқ соҳасидаги низоларнинг суддан ташқари ҳал этишнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

### **3-боб. Концепцияни амалга оширишнинг асосий йўналишлари**

#### **3.1. Солиқ оид низоларнинг сонини камайтириш мақсадида шарт-шароитлар яратиш**

1. Солиқ органларининг назорат фаолияти, шу жумладан электрон хужжатлар айланиш тизимларининг маълумотларидан фойдаланган ҳолатда, шаффофлигини таъминлаш ҳамда ўтказилган текшириш материалларини (далолатномалар, солиқ тўловчиларнинг эътироз хатлари, қарорлари ва бошқалар) ДСҚ ахборот тизимида жойлаштириш.

2. Солиқ низоларининг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

3. Текширишдан олдинги таҳлил ва камерал назорат воситаларининг, шу жумладан текширишлар ўтказилиши мўлжалланган солиқ тўловчиларда солиқ қарзининг кутилаётган миқдори бўйича аниқлигини ошириш.

4. Одатдаги қоидабузарликлар ва ёки хатоларнинг такрорланишини истисно қилиш мақсадида уларни таҳлил қилиш ва таснифлаш.

5. Солиқ назорати натижалари бўйича солиқ органлари томонидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги ва асослилиги мониторингини олиб бориш.

6. Солиқ тўловчининг реквизитлари кўрсатилмаган ҳолда, судгача низоларни ҳал қилиниши натижасида қабул қилинган, давлат сирларини ўз ичига олмаган, хулосаларни нашр қилиш.

7. Солиқ назоратини амалга оширадиган солиқ органлари ходимлари учун услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш.

8. Қонунга хилоф ҳатти-ҳаракатлари (ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги) ёки солиқ тўловчининг ҳақ ҳуқуқларини бузувчи қарорларни қабул қилишда айбдор бўлган; шу жумладан солиқлар ва йиғимларни ноқонуний ва асоссиз қўшимча ҳисоблаш тўғрисидаги қарорларни қабул қилган солиқ органларининг мансабдор шахсларига нисбатан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган, жавобгарлик чораларини амалиётда қўллаш;

9. Юқори солиқ органига қуйи солиқ органи томонидан солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш тартибини (процедурасини) бузган тақдирда, улар қабул қилган қарорни бекор қилиш ва уни янгидан кўриб чиқиш учун қайтариб юбориш ҳуқуқини бериш.

### **3.2. Солиқ низоларини ва уларни судгача ҳал этиш масалаларини камайтириш мақсадида солиқ қонунчилигини такомиллаштириш**

1. Солиқ низоларининг судгача ҳал этиш доирасида кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш, унинг очиқлиги ва адолатлилигини ошириш мақсадида Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш,

2. Солиқ тўловчи ва профессионал жамоат ташкилотлари вакилларининг судгача бўлган низоларни ҳал этишда иштирок этишининг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш.

3. Судгача низоларни ҳал қилишнинг натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган тўловларни камайтирган ҳолда солиқ маслаҳатчилари, адвокатлар ва аудиторларни жалб қилиш учун солиқ тўловчининг харажатларининг бир қисмини қоплашни жорий этиш.

4. Солиқ низоларини судгача кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган қарор мазмунини қонунчилик билан тартибга солиш.

5. Солиқ органларининг ҳужжатлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи солиқ органига шикоят қилинганда, уни исботлаш жараёнини меъёрий жиҳатдан тартибга солиш.

6. Судгача бўлган иш юритишининг натижаларини, шунингдек суд қарорларини мунтазам таҳлил қилинишининг натижаларига кўра солиқ қонунчилигига тузатишлар киритиб бориш.

7. Солиқ низоларини судгача ҳал этишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан таклифларни тўплаш, умумлаштириш ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

8. Қарорлар қабул қилишда ягона ёндашувларни ишлаб чиқиш мақсадида юқори солиқ органларининг солиқ низолари бўйича қабул қилган қарорларини умумлаштириш.

### **3.3. Судгача низоларни ҳал қилиш тизимининг самарали ишлашини институционал таъминлаш**

#### **3.3.1. Солиқ низоларини судгача ҳал қилиш департаментини ташкил этиш ва фаолиятини таъминлаш**

1. *Вариант 1.* Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида Солиқ низоларини судгача ҳал қилиш департаментини ташкил этиш. Департаментга Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган Департамент директори раҳбарлик қилади;

*Вариант 2.* Давлат солиқ қўмитаси таркибида Солиқ низоларини судгача ҳал этиш бошқармаси негизида солиқ органларининг қарорлари устидан судгача шикоят қилиш Департаментини ташкил этилиши.

Департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосарига бўйсунди.

2. Департаментга қуйидаги функциялар берилади:

- солиқ органларининг ҳужжатлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берилган шикоятлар бўйича қарорлар қабул қилиш;

- *1-вариант* солиқ низоларини ҳал қилиш чоғида ноқонуний қарорларни қабул қилишда аниқланган, айбдор солиқ органларининг мансабдор шахсларига нисбатан қонунда назарда тутилган чораларни қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш, ёки

*2-вариант* мурожаатларни кўриб чиқиш натижасида аниқланган, мансаб ҳуқуқбузарликлари ҳолатлари юзасидан жавобгарлик чораларини кўриш учун Давлат солиқ қўмитасининг ваколатли бўлинмаларига ўтказиш;

- солиқ низоларини кўриб чиқиш амалиётини умумлаштириш ва Давлат солиқ қўмитасининг тегишли бошқармаларига солиқ қонунчилигининг солиқ назорати ва солиққа тортиш қоидалари қисмини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш;

- солиқ низоларини судгача ҳал этиш доирасида қарорлар қабул қилишда, судларнинг шу масалалар юзасидан тутган позицияларини ҳисобга олиш мақсадида, солиқ низолари бўйича суд амалиётини таҳлил қилиш;

- текширишлар натижасида чиқарилган солиқ органларининг қарорларини мониторинг ва солиқ низоларига олиб келган сабабларни таҳлил қилиш;

- солиқ низоларининг келиб чиқш сабабларини бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш;

- солиқ қонунчилиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ишлаб чиқилишида иштирок этиш.

3. Департамент фаолиятини самарали ташкил этиш учун зарур бўлган ходимлар сонини белгилаш.

4. Департаментни зарур билим ва кўникмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, уларнинг малакасини доимий равишда ошириб бориш ва камида 3 йилда бир марта баҳолаш.

5. Бўлимни самарали фаолият юритиши учун зарур бўлган моддий-техника базаси билан таъминлаш (алоҳида мажлислар ва учрашувлар ўтказиш зали, тегишли бўлган дастурий таъминотга улаш, видео-конференц алоқа ва ҳ.к.).

### **3.3.2. Солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасидаги низоларни судгача ҳал этиш бўйича Апелляция кенгашини ташкил этиш ва фаолиятини таъминлаш.**

1. Апелляция кенгаши низоларни судгача ҳал этиш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида коллегиял - маслаҳат органи сифатида тузилади.

2. Апелляция кенгашининг таркиби ўн беш нафар аъзодан иборат бўлиб, Давлат солиқ қўмитаси раисининг қарори билан уч йиллик муддатга тасдиқланади. Етти нафар аъзо Давлат солиқ қўмитаси марказий аппаратининг раҳбарлари ва ходимлари орасидан, олти нафар аъзо профессионал ҳамжамиятнинг нуфузли вакиллари – солиқ маслаҳатчилари, аудиторлар, адвокатлар, икки нафари Молия вазирлигининг вакилларидан тайинланади. Апелляция кенгаши аъзолари ўз фаолиятини жамоатчилик тартиби асосида амалга оширадилар.

3. Апелляция кенгаши кўриб чиқилаётган масалалар юзасидан тавсия тусга эга бўлган хулосаларни қабул қилади. Хулоса кўриб чиқиш учун Давлат солиқ қўмитаси раисига юборилади, у уни ҳисобга олиши ёки ёзма равишда рад этиши мумкин, шунингдек маълумот учун манфаатдор шахсларга тақдим этилади.



4. Апелляция кенгашининг, давлат сирларини ўз ичига олмаган, хулосалари soliq.uz веб-сайтида мажбурий нашр қилиниши шарт.

5. Кенгаш фаолиятини моддий-техник таъминлаш Давлат солиқ кўмитаси томонидан амалга оширилади.

### **3.4. Солиқ низоларини судгача ҳал қилишни рақамлаштириш**

1. Солиқ тўловчиларга қуйидаги имкониятларни тақдим этувчи электрон хизматни яратиш:

- онлайн – видео-конференц алоқа орқали, шу жумладан ҳужжатларни тақдим этиш имконияти эга бўлган ҳолда, солиқ низоларини кўриб чиқишда иштирок этиш;

- уларнинг солиқ органларига келиб тушган, шикоятларининг кўриб чиқилишини бориши ва натижалари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиш.

2. Қуйидагиларни ўз ичига олган, очик маълумотлар базаларини яратиш:

- томонларнинг позициялари баён этилган ҳолда солиқ тўловчилар томонидан эътироз билдирилган солиқ органлари қарорлари бўйича асосий қоидалар;

- судгача ҳал этиш жараёнида солиқ тўловчиларнинг шикоятларини кўриб чиқиш натижасида қабул қилинган қарорлар;

- жамланма таҳлилий материаллар, шу жумладан суд амалиётининг таҳлилий натижалари.

3. Хатоларни камайтириш ва/ёки тuzатиш мақсадида, солиқ органларининг қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш натижасида шаклланган, маъмурчилик амалиёти тўғрисида солиқ тўловчиларни хабардор қилиш.

4. Ҳар чоракда Департамент фаолияти яқунлари тўғрисидаги маълумотларни soliq.uz сайтида эълон қилиш.

### **3.5. Солиқ низоларини ҳал этиш йўли сифатида медиацияни қўллаш шартлари ва механизмларини услубий ва ҳуқуқий ишлаб чиқилиши**

1. Солиқ низоларини ҳал этишнинг муқобил тартиб-қоидаларнинг хорижий амалиётини таҳлил қилиш ва уларни Ўзбекистон шароитида қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

2. Солиқ низоларини медиация институти ёрдамида ҳал этишнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш.

3. Ўзбекистонда низоларни судгача ҳал этиш амалиётига медиация институтини жорий этишни қонунчилик асосида киритишни таъминлаш.

### **3.6. Солиқ низоларини ҳал қилишда мустақил профессионал экспертларни жалб қилиш**

1. Судгача ҳал этиш босқичида солиқ низоларини кўриб чиқиш жараёнида профессионал экспертнинг (солиқ маслаҳатчиси, аудитор, адвокат) мажбурий иштироки, шу жумладан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кичик тадбиркорлик субъекти учун, агарда солиқ тўловчи ёзма ариза асосида ундан воз кечмаган тақдирда.

2. Солиқ низоларини судгача ҳал этиш натижасида бекор қилинган қўшимча ҳисобланганларнинг бир қисмига солиқ маслаҳатчилари, адвокатлар ва аудиторларни жалб қилиш учун солиқ тўловчи харажатларининг бир қисмини бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаш.

3. Солиқ низоларини ҳал этишда Давлат солиқ қўмитаси ва Савдо-саноат палатаси қўшма апелляция кенгашининг, шунингдек, Солиқ маслаҳатчилари палатаси эксперт кенгашининг хулосаларидан фойдаланиш.

### **4-боб. Кутилаётган натижалар**

1. Судгача ҳал этиш институтини солиқ низоларини ҳал этишнинг асосий воситасига айлантириш.

2. Ўзбекистон Республикаси суд тизимининг юқини сезиларли даражада камайтириш, солиқ тўловчиларнинг солиқ низоларини судгача ҳал қилишдан манфаатдорлигини ошириш.

3. Солиқ органлари фаолиятида қонунийликни тасдиқлаш, назорат ишлари натижаларига янгича ёндашувларни шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш.

4. Жамият ва давлат амалиёти ва талабларига мувофиқ амалга оширилаётган ўзгаришларга солиқ органларининг самарали муносабатини ошириш.

5. Солиқ маъмурчилиги сифатини ошириш ва солиқ органлари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш.

6. Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш даражасини ошириш.

7. Солиқ тўловчиларнинг давлат солиқ органлари тизимида ишончининг ортиши.

8. Солиқ тўловчиларнинг қонун устуворлигининг конституциявий принципига риоя этилишига ишончини таъминлаш.